



ХУРШИДОЙ

Айтувчи: МУҲАММАДҚУЛ ЖОНМУРОД
ўгли ПУЛКАН,
Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: ҲОДИ ЗА-
РИФ.

Шайбонихон Самарқанднинг Кўктошига миниб, ҳам-
масини олди, Бобир хондан тушган ўлжани Ўзбекистон,
Қозоғистонга тақсим қилиб бўлиб берди. Ҳар уруғнинг
ўзидан катта қилиб, бир хилини бек, бир хилини тергов-
чи, бир хилини раис, ўз қўлидан ҳоким қилиб жўнатиб
юборди. «Замон-замон Шайбониники» деб жарчи қичқир-
тиб, подшолик қилиб ёта берсин...

Шайбони одамларга қараб бир сўз айтаяпти:

Худоё кетгай-да юракнинг гами,
Бу ишлар, ёронлар, ҳақнинг фармони;
Ипакнинг қадри бежойин ўтди,
Ингилишнинг Самарқанднинг одами.

Евга от қўяр Ўзбекистон ботири,
Подшонинг олдига бордир шотири;
Ингилишнинг Самарқанднинг одами,
Менга ўтди шу ипакнинг қадири...

Баҳорлар селдирар боғнинг бодами;
Подшонинг олдида бордир маҳрами,
Менга ўтди шу ипакнинг қадири,
Ингилишнинг Самарқанднинг одами.

Мен гапирсам, айтган гапим жуп экан,
Самарқандда ҳар ранг одам кўп экан,

Йигилишинг Самарқанднинг одами,
Ипак деган қайси элда кўп экан?..

Самарқандда Хўжасавдогар деган бор эди, ўзи ўзбак эди. Қосимхон деган ўғли бор эди. Хуршидой деган қизи бор эди. Шу қизни тўрт яшаридан муллага [ўқишга] берган эди. Ўзи кўп катта одам эди. Самарқандга ким подшо бўлса, подшонинг камлик нарсасини ҳамиша шў Хўжасавдогар қарз бериб турар эди.

Ана энди Шайбони Хўжасавдогарни олиб келди. Хўжасавдогар подшога бир сўз айтди:

Давлат берсин Сизга таборак субҳон,
Давлатингиз катта бўлсин, бегумон.
Кўрганимни Сизга айтай, тахсиржон,
Чин-Мочинда ипак бежо фаровон.

Амрингизни менинг ўзим қилайин,
Туяларни тиркаб йўлда юрайин,
Чин-Мочинда ипак бежо фаровон,
Чин-Мочиндан ипак опкеп берайин.

Мен юраман занглаб ётган чўлидан,
Ошиб кетсам Қашқар-Довон элидан,
Денгиз Довонидан ошиб, подшойим,
Опкеп берай Чин-Мочиннинг элидан.

Қулоқ сонг подшойим айтган бу сўзга,
Йўл юрарман мен ўзим қула тузга;
Ипак деган қиммат нарса, подшойим,
Ипак олиб келиб берайини Сизга.

Йўлнинг жабдуғини қип беринг бизга,
Яхши хизмат қилай подшойим, Сизга,
Анжом-асбобларни сиз йиғиштиринг,
Шайбониҳон, жавоб беринг сиз бизга.

Анжом-асбобларни ўзим қайтарман?¹
Нақ икки йил Самарқанддан кетарман,
Борув-келувлиги икки йиллик йўл,
Қизгинамни кимга ташлаб кетарман?

¹ Қандай этарман.

Эшитинг, подшойим, айтган зоримни,
Айтолмайман юрагимда черимни,
Ёлғиз қизгинамни ўзим қайтарман,
Мен сизга топширай ҳарна боримни...

Шайбонихон бир сўз деди:

Шайбонини ҳар нарсадан кам дема,
Гап гапириб, жигарингни нам дема,
Бурулмаини кета бергин, савдогар,
Мен эсонда ҳеч нарсадан ғам ема.

Йўл юрасан гоҳ эшакли, пиёда,
Не кўриб, кечириб ёлгон дуёда;
Мен эсонда бурулма ҳеч нимага,
Сиздай қип қарайман, сари зиёда.

Унинг учун асло хафа бўлмангиз,
Сарғайибди, сабаб нима, юзингиз,
Қайтти қараб жовдирайди кўзингиз.
Йўлнинг даркорлигини ўзим билмайман,
Олиб кетинг даркорликни ўзингиз.

Ҳўжасавдогар уйига қайтди. Уйга келиб, Қосимхон ўғли, хотини билан маслаҳат қилди. Хуршидойни Шайбоникига олиб бориб қўйсак уни олиб қўяди, энди қандай қиламиз бу қизни, деди.

Самарқандда шайхи Бастом деган эшон бор эди. Подшоинг ҳам, одамларининг ҳам пири эди.

Энди уни шайхи Бастом эшон уйига олиб бориб қўямиз. Катта одам, ўзи тоза эшон, қизимиз уйдагидай бўлиб-гина туради, деди. Хотини билан иккови қизини ияртиб¹, шайхи Бастомга олиб борди. Энди Ҳўжасавдогар хотинининг Бастомга қараб айтаётган сўзи:

Тахсир, эшон, Сиз эшитинг сўзимни,
Соғинганда ғам сарғайтар юзимни,
Мен кетган сўнг қаттиқ, тиклаб урушманг,
Мен эрка ўстирдим ёлғиз қизимни.

Қўрганларда яна ақлдан шошманг,
Кўнгилингиз — яна бир қайнаб жўшманг,
Мен эрка ўстирдим чироққинамни,
Мен кетган сўнг қаттиқ жеркиб урушманг.

¹ Эргаштириб.

Ёш боладир, кўкайини кесдирманг,
Бировларга яна йўлин тўсдирманг,
Мен эрка ўетирдим жоним боламни,
Бир ёмонга ўмганини бостирманг.

Оша юртга кетиб, ақлим шоширдим,
Остона деб, ўзим сизга бош урдим,
Хуршидойим қолди, сизга омонат,
Омонатдир, қилманг тағи хиёнат,
Ёлғиз чироғимни сизга топширдим.

Унда-бунда хабош-бебош юрмасин,
Ота безор қизилоёқ кўрмасин,
Ёлғизим бемаъни асло юрмасин,
Ёлғиз фарзандимни сизга топширдим.

Кўрганларнинг юрак-бағри куймасин,
Чини пиёлага майлар қуймасин,
Отабезор, тенгсиз қизилоёқлар,
Ёлғиз фарзандима тағи тиймасин,
Бир ёмонга тағи тегиб куймасин,
Эшонжон, қизимни сизга топширдим.

Ҳақ куйдирмагай-да кулба-хопамни,
Ўртамагин тағи гулдай танамни,
Яхшилаб боққайсиз жоним боламни,
Энажонгинамни сизга топширдим.

Шундай қилиб, қизини шайхи Бастомга топширди. Шайх Бастом:— Нон-ош бўлса мўл. Муллада ўқиб, сабоқ олиб юради. Сиз келгунча кунда хўп қарайман,— деб, қабул қилди. Энди Хўжасавдогар билан хотинининг димоғи чоғ бўлиб, уйга қайтди. Чин-Мочинга кетмоқчи бўлиб, карнай қўйдирди. Шайбонихон билди, Хўжасавдогар Чин-Мочинга кетмоқчи бўлибди. Ёўл жабдуқларини Шайбонихон ғамлаб, тараддуд қилди. Хўжасавдогар белат олди. Энди Шайбонихонга қараб бир сўз айтаяпти:

Юракка тушмасин қайғуман войим,

Энди кетдим Чин-Мочиннинг юртига,
Хат юбориб туринг зинҳор, подшойим.

Кўп шафқат қинг¹ мендай карвон ҳолига,
Мен юрарман одамсиз кўп чўлига

¹ Қилинг.

Ҳақимга дуо қилг мени, пошшойим,
Талаб қилдим Чин-Мочиннинг элига.

Қулоқ солинг мендай қарвон додига,
Ҳар кимнинг қадри бор ўсган юртига,
То кўргунча дуо қилинг, пошшойим,
Кетар бўлдим Чин-Мочиннинг юртига.

Йўлиқмайин қароқчининг қаҳрига,
Йўлиқмайин ёмонларнинг заҳрига,
То кўргунча омон бўлинг, пошшойим,
Талаб қилдим Чин-Мочиннинг шаҳрига.

Эшитинг, пошшойим, ўзимдан додди,
Қаттиқ бўлмагай-да, чўлда ҳасрати,
То кўргунча дуода бўнг, Шайбони,
Нон-насибам Хитой шаҳрига тортди.

Томоша айланг қарвоннинг меҳнатига
Яхши қаранг туямнинг савлатига,
Нўл жабдиян кўп беринг, пошшойим,
Энди кетдим Хитой мамлакатига.

Ана энди Шайбони ҳам ўз қўли билан бир яхши хат
сизиб берди.— Отажоним, шу хатимга кўнмаган подшо,
Шайбонининг туби билан гаплашсин,— деди. Энди Хўжа-
савдогарга қараб, Шайбонининг айтаётган сўзи:

Гап чиқади мендай пошше тилидан,
Сиз ошарсиз Қашқар-Довон белидан,
Сафаринг беҳатар бўлсин, савдогар,
Эсон-омон келинг Хитой элидан.

Гап чиқади куйганиннг ҳасратидан
Қутулгайсиз бу дунёнинг ўтидан,
Эсонликни берсин сизга, савдогар,
Соғ-саломат келинг Хитой юртидан.

Ботир бўлмай совут, қалқон киймайди,
Қўрқоқлар қўрқмаса ўзи тиймайди¹,
Ҳам емай кета бер энди, савдогар,
Хатни кўрган одам сизга тиймайди.

¹ Тегмайди.

Хабар олинг одамларнинг ҳолидан,
Дори олкенг¹ Қашқар-Довон чўлидан...
Хизматимни Чин-Мочиндан тиндириб,
Эсон-омон келинг Хитой элидан...

Томоша қинг савдогар ғайратига,
Ғул-ғула солиб Самарқанд юртига.
Қўнғироқлар тақиб катта туяга,
Энди кетар бўлди Хитой юртига.
Ҳамма одам, эсон-омон келинг деб,
Чувлашиб фотиҳа тортди бетига.

Икки йил, уч йил кетган одамлар нон-ош пиширмаққа хотинини ияртиб олиб кетар экан. Хўжасавдогар Қосим-хон деган ўғли билан мингча одам бўлиб кетди.

Булбул учар богда гулдан,
Ўрдак учар ойдин кўлдан,
Шайбонининг савдогари
Жўнади Самарқанд элдан.

Савдогарлар чақ-чақ этиб,
Туяларини пишқиртиб,
Кўчканида карнай тортиб,
Қулочўлни гулдуратиб,
Жўнай берди савдогарлар.
Эсонлиги ғаниматди (р),
Чўлма-чўл қистаб йўл тортди...
Шайбонига хизмат қилиб,
Қашқар довоинга етди.

Бежойин кўплар йўл тортди.
Хитой довоиндан ўтди,
Тахти ўн бир ой йўл юриб,
Чин-Мочин шаҳрига етди.
Хушвақт бўлиб ҳамма бирдай,
Ипагини арзон олди.
Савдо-сотикни битириб,
Хитой элда бир ой туриб,
Қаттасига закот бериб,
Чин-Мочин юртидан қайтди.

¹ Олиб келинг.

Гана чўлда, гана элда
Салтанат билан йўл тортди...
Кеча демай, кундуз демай
Олти ойда Қашқарга етди.
Ўн саккиз ой тахти ўтди.

Болаларини соғиниб,
Мисли ўтдай қобиниб,
Эшакларини тепиниб,
Савдогар тинмай йўл тортди.

Гоҳ баланд қир остига,
Йўлиқмай биров қасдига,
Эсон-омон ўйнаб-кулиб,
Йигирма тўрт ой бўлганда
Келди Самарқанд устига.

Бу хизматини яхши қилди,
Бири ўлмади эсон келди,
Савдогаргинанг келди деб,
Шайбонига хабар келди.

Ана карнай-сурнай қўйилди. Хўжасавдогар кеп қопти деб подшонинг димоғи чоғ бўлди. Энди сўзини ҳалиги эшондан эшитмоқ даркор.

Эшон Хўжасавдогар келганини эшитди. Хуршидой саҳар туриб, китобларини ўқиб ўтирар эди, эшоннинг товуши чинка берди. Хуршид: «Бир оптова сув берай»,—деб сувин узатди. Шомол рўмолини жип этиб бошидан учуриб кетди. Эшоннинг кўзи Хуршидойга тушиб: «Жуда сулув қиз экан»,—деб қизнинг қўлидан тортди олиб кетди. Ана энди Хуршидойга қараб бир сўз айтаяпти:

Катта эшон дейди менинг ўзимни,
Саргайтмагин менинг ойдаи юзимни,
Бу ҳам бўлса бир худонинг буйруги,
Хуршидойжон қабул қил менинг ўзимни.

Қошинг кериб, қабоғингни уяқол,
Баданинга яхши кўйлак кияқол,
Катта эшон дейди менинг ўзимни,
Тан бағишлаб ўзинг менга тияқол.
Яхши кўрдим сенинг ойдаи юзингни,
Менга айтгин шакар-ширин сўзингни,

Йигитлардин мени асло кам дема,
Қабул қил, олайин сенинг ўзингни.
Буралиб эгнингга қўлни солайин,
Ҳарна бўлсанг, сенинг билан бўлайин.
Мени дея қолгин ўйларин қўйиб,
Қабул қилгин, ўзим сени олайин.

Ана энди Хуршидой эшонга қараб бир сўз айтаяпти:

Омонат ўйласам тандаги жонинг,
Бузулмасми солиб қўйган маконинг,
Отам сенга топширувди, э, эшон —
Шайхи Бастом, куйиб кетди нймонинг.

Урташбди, ҳай атташга, гулдай тан,
Худонинг лаънати бўлсин ўзингга,
Иймонгинанг куйиб кетди эшонжон!

Сен талтайиб ўз вақтингни хушлама,
Бошинг чайқаб, лабларингни тишлама,
Худонинг лаънати бўлсин ўзингга,
Шайхи Бастом, билагимдан ушлама!

Эшитгни нймонсиз эшон сўзимди,
Бу кунингдан ўлмаклинг лозимди (р),
Номаҳрамсан қўлгинамни ушлама,
Нега буйтдинг¹ сен нймонсиз ўзимни?!

Энам шўрли ақлини шоширган,
Авлиё деб оёгингга бош урган;
Иймонсиз қўя бер менинг қўлимни,
Энам сенга омонат деб топширган...

Эшит дейман эшшак эшон тилимни,
Вой аттанг лоёладинг ойдин қўлимни,
Номаҳрамсан, билагимдан ушлама,
Қўя бергин, нари хар эшон, қўлимни!

Ана энди Хуршидойнинг аччиғи келди, эшоннинг қоқ манглайига оптова билан солиб юборди; эшоннинг пешонаси ёрилди. Эшон тўрт юз халфаси билан, тўрт юз мурди билан Хўжасавдогарнинг олдига чиқиб кетди.

¹ Бундай эдинг.

Хўжасавдогар қизини соғинган, энаси ҳам соғинган,
акаси ҳам жуда соғинган. Орадан икки йил ўтибди, Хур-
шидойни бир кўрган эмас.

Хўжасавдогар эшоннинг олдига пешвоз чиқиб, отини
ушлаб бойлади, чодирига олиб бориб киргизди, кўп зиё-
фатлар қилди. Энди эшон бир сўз айтаяпти:

Эрисин тоғларнинг қори, эрисин,
Ҳар одам олгани билан қарисин,
Қиз халқини кичикликдан эрга бер;
Дод-фарёд Хуршид қизинг қурсин.

Қаторингда тиркаганинг нор экан,
Сўрай берсанг юрагимда чер экан.
Шу бугун борувдим қизинг олдига,
Ун-ўн бешча қизилоёқ бор экан.

Сочларини тўқсон олти ўрибди,
Ўрталикқа Хуршид қизинг кирибди,
Қизилоёқларга коса берибди,
Ёмонларман ашула қип турибди.

Соп ёмонни Самарқанддан жийдирди¹,
Олтин косаларга майлар қуйдирди,
Дод-фарёд, қизинг қурсин, савдогар,
Тонг отгунча юзларидан суйдирди.

Самарқандда тоза гулдан терибди,
Зулфларини гажак қилиб қўйибди,
Хуршидой қизингни мендан сўрама²,
Кўчаларда ашула қип юрибди.

Ула-ўлгунча иснод бўлди бетингга,
Сен ўйласанг, душман тушган кетингга,
Хуршидой қизгинанг... бўп кетган,
Боролмайсан Самарқанддай юртингга.

Шу гапни эшитиб, Хўжасавдогарнинг димоғи куйиб
кетди. «Бу одам катта одам, ёлғон айтмайди. Қизни кат-
та қилмайдиган (экан)»,— деди. Қосимхонни чейкага чи-
қариб, бир сўз айтди:

Хуршидойнинг ик³ кўзини ёшлагин,
Отанг касал дегин, вахтин хушлагин,—

¹ Йиғдирди.

² Оригиналда: гапирма.

³ Икки. Шевада: Эк.

Мингаштириб чиқиб у шармандани,
Даштларга чиқариб, сўйиб ташлагин!

Олиб чиққин Саричашманинг дашига,
Болта қўйгин Ойхуршиднинг бошига,
Пушаймонлар қилсин қилган ишига,
Ғажир қўлсин Ойхуршиднинг гўшига.

Ойхуршиднинг билмаганин билдиргин,
Хапжар билан юрак-бағрин тилдиргин,
Олиб чиқиб Саричашма дашига,
Раҳм айламай Хуршидоғини ўлдиргин!

Менинг билан ўзинг дарров юр дегин,
Хон отангни ўлмай туриб кўр дегин,
Алдаб олиб чиққин Саричашмага
Хуршидоғини, раҳм айламай ўлдиргин!

Нима деса ишонмагин сўзига,
Қизилоёқ ошна бўпти изига,
Саричашмада Ойхуршидни ўлдиргин,
Раҳм айламай ер юткурнинг ўзига!

Уйиб ташла Ойхуршиднинг кўзини,
Ғам саргайтди савдогарнинг юзини,
Раҳм айламай олиб чиқиб дашига,
Сўйиб ташла Ойхуршиднинг ўзини!

Ана энди отганингни елдиргин,
Очилмайин гулистонни сўлдиргин
Айтадиган сўзим шулдир, Қосимхон,
Олиб чиқиб Хуршидоғини ўлдиргин!

Қосимхон бечора жонини сотди,
Димоглари чўртта куйиб кетди,
Энасин мингаштириб олиб кейнига,
Уштираплаб Самарқанд қараб қайтди.

Кўп гап келди Қосимхоннинг ўйига,
Энаси иккови йўлда мингашиб,
Кириб келди иковлари уйига.

Қариндошлар бари кўргани келди,
Эна деб қизи ҳам кўргани келди.
Бирин-бирин бари сўрашиб олди.

Жур эса, отам касал, синглим деб,
Хуршидой синглисин миндириб олди.
Эпаси меҳрига тўймайин қолди.
Ука бўлар бу дунёнинг ҳаваси,
Улим қурсин, сира йўқдир давоси,
Иков эмас, учов эмас синглиси,
Яратганда ёлғизгина укаси.

Хафа бўлмай юрак-бағир куймайди,
Ингранмайин кўздан ёшни қуймайди,
Қандай қилиб сўйсин укажонини,
Улдиргани кўзгинаси қиймайди.

Еқалари ҳўл бўп қопти ёшига,
Қандай кўнсин жудоликнинг ишига;
Майиблардай зор йиғлайди Қосимхон,
Олиб чиқди Саричашманинг дашига.

Еқаси ҳўл кўзидаги ёшига,
Чўл титради йиғлаган болишига,
Ойхуршиднинг кўнгиллари бузилди,
Ҳайрон қолди акасининг ишига.

«Одамзодин гап бузар, ерни сув бузадн». Хуршидой айтди: «Отагинам ўлган экан; отам ўлмаса, акам бундай йиғламаса керак эди».

Ана энди Хуршидой бечора акасига қараб бир сўз айтди:

Улимнинг ханжари бағрим тилдимн,
Яратганим жудоликни солдимн,
Нимага бўзлаб йиғлайсиз, акажон.
Давлат бошим — отажоним ўлдими?

Куйганлардай гапни гапга улайсиз,
Кўзда ёшни печинг билан снлайсиз,
Давлат бошим — отажоним ўлдими,
Акажон, нимага ўксиб жилайсиз?¹

Тоғларнинг бошини туман чалдимн,
Улимнинг ханжари бағрим тилдимн,
Оша юртда отажоним ўлдими,
Етимлик бошимга тушиб қолдимн?

¹ Йиғлайсиз.

Чин-Мочинда отагиннам ўлдими,
Жудоликни эгам менга солдими,
Нимага йиғлайсиз бағриг эзилиб,
Отам гариб бўл олисда қолдими?

Юрган ерларингиз боғ билан бўстон,
Жонимни жонингга айлайин қурбон,
Отам ўлгандайин бўзлаб йиғлайсиз,
Йиғлаганинг маънисин айт, акажон
Давлат боши — отажоним ўлдими?

Сулув қизлар таблаб қўяр сочини,
Эр йиғит душмандан олар ўчини,
Отам ўлгандайин бузлаб йиғлайсиз,
Менга айтниг йиғлаганинг важини.

Самарқандга худо ғорат солдими,
Арқони давлатинг сабил бўлдими,
Нимага йиғлайсиз кўнглинг вайрон бўп,
Кўнгил тўқи отагиннам ўлдими?..

Ана шунда Қосимхон синглисига қараб изиллаб йиғ-
лаб, бир сўз айтаяпти:

Кўп тортганман чирогим койишингни,
Қарга, ғажир еб кетади гўшингни,
Тош сийнамда кулфатим кўп қўзғама,
Биласанми қиладиган ишингни?

Сочларингни тимгил-тимгил ўрибсан,
Боғ оралаб тоза гулдан терибсан,
Сен уялмай ўзбошимча жувонмарг,
Кўчаларда ашула қип юрибсан.

Уялмайин бўз болани йиғдириб,
Олтин иёлага майлар қуйдириб,
Боши очиқ эрга тегсанг бўймиди?¹
Бўз болага юзларингдан суйдириб,
Қариндошининг ҳаммасини куйдириб,
Биласанми қиладиган ишингни?

Суяги тозани айтсанг бўймиди,
Ватанимга ўзинг кетсанг бўймиди,

¹ Бўлмасмиди.

Қариндошдан бир одамни ол келиб,
Никоҳ қилиб уйда ётсанг бўймиди?
Халойиққа бизни қилдинг шарманда!..

Қатта эшон олдимизга етди,
Бориб туриб, сенинг қилган ишингни
Бир-бир қилиб барин отама айтди.
Уялмайин шунча ишлар қилибсан,

Қизилоёқ бўз болани ияртиб,
Тонг отгунча базм қилиб юрибсан.
Шайхи Бастом бориб отама айтди,

Отам беҳуш бўлиб ўзидан кетди,
Отам Хуршидойнинг кўзини ўй деди,
Олиб бориб Саричашма даштига,
Типирлатиб, молдай қилиб сўй деди.

Хуршидой номаҳрамнинг юзини кўрган йўқ эди. Эшоннинг пешонасига бир уриб эди, энди билди, бу гап эшондан бўпти. Эшоннинг туҳмат гапига ишонибди. «Ҳа, ака, туҳмат билан эр ўлибди деган экан. Ҳарчанд айтган билан ишонмайсиз... ўлдир!»— деди.

Бир кийик ўйнаб шу ерга келди. Қосимхон акаси: «Буни ўлдиргандан ҳеч гап бўлмаса»,— деди. Ҳалиги кийикни отди. Хуршидойнинг кийимларини кийикнинг қонига бўяб, Хуршидни шу ерга ташлаб: «Бор чирогим, худога топширдим»,— деди, жуда хафа бўлди, йиғлаб уйига қайтаверди.

Энаси бу гапларни билмас экан. Энаси бечора Қосимхоннинг рангидан қўрқиб, қараса, қизи йўқ. Ала энди энаси Қосимхонга бир сўз айтаяпти, бирини Қосимхон айтаяпти.

Ўйласам омонат банданинг жони,
Ҳамроҳ бўлмай ўлганларнинг иймони,
Иков кетиб, ёлғиз келдинг, Қосимхон,
Била кетган Хуршидой сивглинг қани?

Вой энажон, ик кўзимни ёшладим,
Куйиб кетиб, бармогимни тишладим,
Сенга фарзанд, менга ука қайдадир,
Хуршидой қизингни сўйиб ташладим.

Нега жабр қилдинг ёлғиз қизима,
Йиғлагада ёш тўкилар юзима,

Била кетган ёлғиз қизим қаникай?
Ҳақ ҳурмати рост гапиргин ўзима.

Эшитгин, энажон, ўзимдан додди,
Дунё тушсин ҳаммамизни бўзлатди,
Ёмон ишни қизгинанг қилган экан,
Хуршидой ёлгончи дунёдан ўтди;
Сенга фарзанд, менга ука қайдадир.

Нега сувгинасин ўзинг лойладинг,
Нега кунгинасин қора айладинг,
Рост гапиргин тилгинангдан, Қосимхон,
Нега Хуршидойни сўйиб ташладинг? :

Вой укам деб, кўзгинасин ёшлади
Ҳай атанг деб, банди бўғини бўшлади,
Вой синглим деб, зор йиғлади Қосимхон,
Лола гулдай қон қипти кийимини
Энасин олдига отиб ташлади.
Хуршиднинг кийимини кўриб энаси
Во болам деб, манглайига муштлади.

Хуршидойнинг кийимларин силади,
Кўзга суйкаб ўраган рўмолларин,
Ёлғизгина қизгинам деб йиғлади;
Эна деган сўзларини соғиниб
Юрак-бағри кабоб бўлиб йиғлади.

Бу ўлимнинг сира, йўқдир давоси,
(Кўп бўлмайди яхши одамнинг ҳавоси),
Вой укам деб, таёғини таяниб,
Бағрим деди Хуршидойнинг акаси.

Икковининг банди бўғини бўшади,
Ўлим қурсин суяклари шовшади,
Қосимхон укам деб, эна қизим деб,
Бири болам, бири укам дейишади.

Энаси болам деб, бағрини йиртди,
Боласи ўлган-да, тақдир қатти (қ),
Қўйлақларин ҳар искайди энаси
Болам деб, гулдайин бетларин йиртди.

Қуйганидан гапни гапга улайди,
Кўзда ёшин енги билан силайди,

Вой бағрим деб, ўлкасини босолмай,
Қосимхон, укам деб, бўзлаб жилайди.

Вой болам деб, энаси дод айлади,
Укам деб, Қосимхон фарёд айлади,
Қучоқлашиб ҳар йиғлайди иккови,
Хуршидойнинг арвоҳини шод айлади.

Энасини бадави идраб кетди,
Йиғламай найласини қисматлар қатти(қ),
Эна халқи қизга меҳрибон экан,
Кийим-кечакларини бағрига босиб,
Болам деб, беҳуш бўп ўзидан кетди.

Баданлари мўмдайини балқиб кетди,
Улим курсини феъли ёмон экандир,
Баданлари талоқдай чуйкаб кетди,
Хафа бўп иккови ўзидан кетди.

Булар бу ерда ёта берсин, энди гапни Хуршиддан эшит-
моқ даркор. Гуноҳкор бўлган, элга кела олмайди. Адаш-
ганининг олди йўл. Дод-фарёд деб, гарибни муштипар, бечо-
ра бўлибди:

Ҳай аттанг-а, қанотидан қайрилиб,
Лоёб ерда оёқлари тойрилиб,
Ўлкасини босолмайди муштипар
Туҳматман ота-энадан айрилиб.

Юрган ери гоҳ қамишлов, даш(т) экан,
Кўзидан тўкилган қонли ёш экан,
Шунча жабр қилди унинг жонига
Туҳмат деган бежо қийини иш экан.

Койини кўрди мана¹ ёлғон дунёда,
(Туйғун қуш таралар баланд уяда).

Яланг оёқ ер босмаган Хуршидой
Бораётир сувсиз чўлда пиёда,
Туҳмат деган ёмон экан дунёда.

Беклар отга солар олтин эгарди.
Ешликдан ўқиган алиф-забарди.

¹ Мана бир.

Қуш учса қаноти куяр чўлларда,
Хуршидойнинг оёқлари қабарди.

Савдо кўрган одам бахти қоради (р),
Улмаган охири даврон суради,
Яланг оёқ ер босмаган Хуршидой,
Бош қаттиқми, тош қаттиқми, ёронлар,
Кеча-кундуз чўлда тинмай юради.

Юрагида ғам кўп дард билан анча,
Хизмат қилар эди бунга бир неча,
Оёғи қабариб, тирноқ тўкилиб,
Юрмайин не қилсин, иложлар қанча?

Тухмат билан бежой тортди оху вой,
(Кўлга борса, таралади қарчиғай),
Қуш учса қаноти куяр даштларда
Кечалари йўл юради Хуршидой.

Кундуз кун паналарда ётади,
Донмо кечаси юриб кетади.
Неча қирдан оша-оша югуриб,
Мажнунтолдай қадди ёйдай букилиб,
Бораётир соф одамсиз даштлардан,
Тошга тегиб тирноқлари тўкилиб
Юрган изга қўчқил қонлар ёқилиб.

Самарқандда бежой кўпдир хотири,
Подшовнинг олдида бордир шотири,
Оёғи қавариб, тирноқ тўкилиб,
Даштда ўтди парча ноининг қадири.

Йўл юради занглаб ётган дашига,
Еқалари хўл бўл кўзда ёшига,
Бораётир қуло чўлда ой Хуршид,
Яқинлади Қўқон элнинг дашига.

Йиғлай-йиғлай жуда ўлкаси пишди,
Ёш баччади, унинг ақли шошди,
Ун бир кеча, ўн бир кундуз йўл юриб,
Ой Хуршид довонга базўр тармашди.
(Қора сочи ойдаи юзга ярашди),
Довондай ой Хуршид йўл юриб ошди.

Қулоқ солинг гапининг ёлғон, ростига,
Ҳеч ким йўлиқмасин ноҳақ қасдига,

Йиғлай-йиғлай ошиб энди довондан
Юриб борди бир чинорнинг остига...
Чинорнинг остида Хуршид турганда,
Бир шунқор таллиниб қўнди бошига.

Ана энди бу бечора шу ерда тура берсин, гапни бу
ёқдан эшитмоқ даркор.

Қўқон подшосининг ўғли Ҳакимхон беш юз йигити билан ов қилиб юриб эди. Ана қуш давр олиб учиб кетди. Ҳаммаси қушдан адашиб қолди. Ҳар қайсиен ҳар камарга қушни ахтариб кетди. Ҳакимхон сой билан чинорга яқинлаб етди, қараса қуш кўринди. Шундай қараса, бир қизарган нарса кўриди. Аста-аста яқин борди. Яқин борса, қуш бир қизининг бошида қўниб турибди. Шундай Ҳакимхон қараса, бир паризод. Қошлари қийилган ёйдаин, юзлари ўн беш қушлик ойдаин, тиши оппоқ дурдаин, баданлари қордаин, уни мақтаб қайтайиқ, жаннатдан чиққан ҳурдаин. Ҳакимхон маст, беихтиёр бўлди. Узангига оёғини тираб, паризодга қараб, бир сўз айтаётибди:

Ҳурмисан, гилмопмисан,
Кўзгинанг мастонасан,
Лабгинанг қанду асал,
Ё тўти булбулмисан,
Ҳар сочинг сумбулмисан,

Ё Ёзи, Зебомисан,
Ё Ширин, Фарҳодмисан.

Кўзгинанг юлдузмисан
Сен қандай жононасан,
Ирамда паримисан.
Манглайинг шўрмисан.
Ё Зухра, Тоҳирмисан,
Ё бир турли шоирмисан.
Ё хурсан, башармисан,
Кўзгинанг мастонмисандир,
Сен печик жононасан?

Гапиргини эшиттай мен ҳам тилингни,
Қандай одам қора қилди кунингни,
Қай одамнинг миллатидан бўласан?

Сабаб нима сарғайибди юзгина,
Айта берса кўп бўлади сўзгина,
Мазҳабингни, миллатингни баён бер,
Миллатингни менга айтгин, қизгина.

Ода бўлмас бу дунёнинг ҳасрати,
Йигитни ўртайди сулув ҳасрати,
Қайси жондан, қайси тилдан бўласан,
Сенинг ўзинг қандай одам миллати?

Жонмисан, жононмисан,
Кўзгинанг мастонасан.

Ана энди қиз бечора ҳалиги отлиқ кишига қараб бир
сўз айтаяпти:

Янги келдинг, яна қайтиб келмагин,
Лхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Қим ҳам бўлсанг кета бергин йўлингга,
Тор сийнамда аламим кўп, сўрмагин.

Номаҳрамсан бу ерларда турмагин,
Юрагимда алам кўпдир, сўрмагин.

Юриб келдим мана тоғнинг дашига,
Қим ҳам бўлсанг кет, йўлингдан қолмагин,
Айналма фалакат босган кишига.

Ер юзига сиғмас юрагим дарди,
Сўрасанг, бебахтнинг йўқдир элати
Яхши йигит, юра бергин йўлингга,
Менинг ўзим он ҳазратнинг уммати.

Қим ҳам бўлсанг, кетгин, йўлдан қолмагин,
Тор сийнамда ситамим кўп, сўрмагин,
Кет, кет, бу ерда асло турмагин!

Зотим сўрсанг, менинг ўзим мусурмон,
Оҳ урсам, танамда йўқдир ҳеч дармон,
Қим ҳам бўлсанг кет, йўлингдан қолмагин,
Келган йўлга кета бергин, меҳмонжон.

«Туси яхшидан тўнгилма». «Гапидан маза чиққаннинг
ўздан ҳам маза чиқади». Ҳақимхон Хуршидга қараб бир
сўз деяпти:

Ҳақ ҳурмати, айтгин менга дардингни,
Ким энёда айлади ҳасратингни?
Сендай қиз ҳам эл-элатсиз бўларми?
Менга айтгин униб-ўсган юртингни.

Темир найза эговласа ўтарми?
Пўлат найза қон тубида ётарми?
Авлод-аждодингни айтгин, кўзингдан,
Мард киши жўрасин ташлаб кетарми?

Хафанинг кўзидан тўкилар ёши,
Ҳар савдо кўтарар одамнинг боши,
Мард киши жўрасин ташлаб кетарми?..
Жўрасин ташламоқ хумсанинг иши.

Сабаб нима сарғайибди юзларинг?
Инглаганга ўхшаб кетди кўзларинг;
Улмайин кетмайман сенинг олдиндан,
Ҳақ ҳурмати айта қолгин дардингни,
Ҳар турли бўлиб кетади сўзинанг,
Юракда дардингни айтсанг, қизгина,
То ўлгунча хизматкоринг ўзгинам.

Рост гапиргин сенинг билан бўлайин,
Қора каллам этагингга солайин,
Менга айтгин юрагингда борини,
То ўлгунча хизматингни қилайин,
Ҳақ ҳурмати, рост сўйлагин қизгина.

Энди қиз бир сўз деяпти:

Сўйламоққа, қайтай, менинг тилим йўқ,
Борай десам, хешу табар, элим йўқ,
Терай десам, бир боғчада гулим йўқ,
Тор сийнамда алашим кўп, бсгижон,
Бормоқликка, қайтай, менинг элим йўқ.

Қавним йўқ, қайтайин, қариндошим йўқ
Дардим айтар менинг эмикдошим йўқ,
Ажал етиб ўлиб кетсам чўлларда,
Укам дерга менинг эмчакдошим йўқ.

Ким ҳам бўлсанг, кет йўлингдан қолмагин.
Тор сийнамда дардим кўпдир, сўрмагин.

Ҳол-ҳозирда ўзим бир ёш боламан,
Сен гапирсанг, рангим гулдай сўламан,

Синглим дерга бир суянчи акам йўқ,
Отам йўқ, қайтайин, менинг энам йўқ,
Аслим сўрсанг, авлоди йўқ бўламан.

Тор сийнамда аламим кўп, сўрмагин,
Кетавер, меҳмонжон, бунда турмагин...

Боғлардан тергайсан тоза гулингди,
Тилла камар хўп ярашган белингди (р),
Кет десам, меҳмонжон, нега кетмайсан,
Нима дейди униб-ўсган элингди,
Қай уруғдан, ўзинг кимнинг зотисан?

Ана энди Ҳакимхон бир сўз деяпти:

Очилган чаманинг тоза гулиман,
Отамман энамнинг жони-дилиман,
Аслим сўрсанг, бир якдона гавҳарман,
Қўқон подшоенинг ёлғиз улиман¹.

Кимга айтай юрагимда дардимни,
Қўқон дейди ўсган вилоятимни,
Мен сенга зотимни айтсам, паризот,
Ҳакимхон дер, аслим сўрсанг, отимни.

Хумсага тушмасни бир мардининг ори,
Худоё кетгай-да юракнинг чери,
Ҳакимхон дер, аслим сўрсанг, отимни,
Отам, сўрсанг, Қўқон элининг тождори.

Нечовга ажал шарбатни ичирдим,
Бемаҳалда карвонимни кўчирдим,
Сабаб билан келдим сенинг олдинга,
Шунқоримни мана чўлда учирдим.

Аслим сўрсанг хонзодаман, қаддингдан,
Тараҳхумлар қилгин менинг ҳолима,
Жон айлансин, мол айлансин, ўзингдан,
Менинг билан кетасанми элима?

Ҳеч ким йўлиқмасин ёмон қаҳрига,
Булбул сайрар тоза гулнинг баҳрига;
Мен сенга ростини айтсам, қизгина,
Бизи билан юргин Қўқон шаҳрига.

¹ Углиман.

Боғларга борай-да олма отайин,
Қабул қилсанг, муддаомга етайин,
Аслим сўрсанг, аслзода, паризот,
Юргин, сени элга олиб кетайин.

Хўп ишонгин энди айтган тилима,
Кўп сўзладим раҳм айлагин ҳолима,
Борар бўлсанг, кел-да мингин отима,
Олиб кетай энди сени юртима.

Ул-ўлгунча посбонгинанг бўлайин,
Элга боргунча жиловдоринг бўлайин,
Қўлтигиндан шундай суяб, паризот,
Улганимча айтганингни қилайин.

Энди Хуршидой бир сўз айтаяпти:

Боққа кирган анжир-анор отмасми?
Ғафлат босган доим ухлаб ётмасми?
Мен сенинган борсам ўзим яяриб,
Ота-энанг отасиз деб айтмасми?
Бу гапларнинг орти бордир, ўйлагин.

Билдим, хонзода экасан юртингга,
Нечовлар туради бу хизматингга.
Бир киянги қизни олиб келдинг деб,
Дўст-душман таъна қилар бетингга.

Кўп гапиртиб маъин бердим сўзингга,
Бир кувларни тараф тушар изингга,
Мингаштириб олиб борсанг, бегижон,
Чўлда юрган қизни хотин қилдинг деб,
Сафсата гапларни айтар ўзингга.
Енашмай ўйлагин, орти кўп ёмон.

Кўп чопилса отингиздан тер келар
Ёмон гапга юраклардан чер келар,
Мени олиб борсанг Қўқон элнга,
Даштда юрган қизни олиб келдинг деб,
«Гауда қанқув ёмон, дардда санчув ёмон»
Ёмон гандан ўзингизга зўр келар.
Ўйлангиз бу гапни, орти кўп қийин.

Моша босса, занглаб чиққан ўқмиди?
Юракларда қайғу билан доғмиди?

Кўнглини қийшайтманг мендай чўрига,
Элингизда отали қиз йўқмиди?

Тақдир қурсин, менга бўлган қиёмат,
Уйласам, эсонлик ҳамиша ганимат,
Бемаслаҳат гапнинг кўп пушмони бор,
Аввал элингизман қилинг маслаҳат,
Ота-энангизман қилинг маслаҳат.

Мен бир отасизман, энам ҳам йўқ. Мен сенга тегаман десам, отанг: «Сенга элимда бир қиз йўқмиди, сен даштда юрган бир киянқини олибсан»,— деб айтади. Қариндошларинг ҳам айтади: «Сен бир элнинг подшосининг ўғли санакан, мен бир тенгсиз қизман, бу феълингдан қайтгин»,— деди.

Ана энди Ҳакимхон кетади деса, хаёли қочиб қўйди, шу қизга. Қоши-кўзларига кўнгли кетиб, бир сўз айтди:

Текис ерда илдам отни еламан,
То ўлгунча хизматқоринг бўламан,
Қабул қилсанг ўзгинамни, қизгина,
Отамдан кечсам ҳам сени оламан.

Сен подшосан, мен вазирман, қадингдан,
Нима десанг, мен амрингини қиламан...

Жонгинам садага ҳар бир кўзингдан,
Бу танам айлансин ойдаи юзингдан,
Аввал кўнглинг билан қилгин маслаҳат.
Маслаҳатини ўзинг бергин, сўзингдан.

Давлатлиман душман тушмас нима,
Нима десам, сен ишонгини сўзима.
Аввал ўзинг билан ўйлаш, юзингдан,
Бўлар гапни айта қолгин ўзима.

Биламан ўзингда кўпдир шарофат,
Ўзингга ёнашмас асло касофат.
Мен ҳам билсанг, бир якдона гавҳарман,
Ростин айтсам, ҳушим кетди, паризот.

Тилгинангдан, дуруст-дуруст сўйлагин,
Уйгинама борсанг гулдаи жайнагин,
Мен сенга ростини айтсам, қизгина,
Тегар, тегмасингни баён айлагин.

Хуршидой шунча ўйлади:— «Шундай бир тиклаб қара»,— деди Ҳақимхонга. Ҳақимхон Хуршидойга тиклаб қаради. Энди Хуршидой ўзи Ҳақимхонга тиклаб, жуда чини билан қаради. Қараса, Ҳақимхоннинг аъзойи бадапидан, кўзидан ҳеч ёмонлик чиқмайдиганга ўхшайди. Хуршидой айтди: «Туси яхшидин тўнгилма»,— деган ота-бобомиздан қолган гап бор. Ҳақимхонга бир сўз деяпти:

Қаторингда лўкча-норинг бўлайини,
Уйнаб-кулар харидоринг бўлайини,
Кўнглинг тўлса беквачча ўзима,
Қиёматлик сенинг ёринг бўлайини...

Қизил гуллар очилганда сўлмаса,
Дўсти душман сенга товба қилмаса,
Олиб борсанг мени ҳозир уйингга,
Даштда юрган хотинни сен олдинг деб,
Жўраларинг сенга таъна қилмаса,
Жоним қурбон сенинг қадди-бўйингга,
Ҳеч гапни келтирма энди ўйингга,
Шунча айтдим, қулоғингга олмадинг,
Олиб боргин эса бизни уйингга.

Ана энди Ҳақимхон дўнгнинг устига чиқиб, довул урди. Беш юз йигитнинг ҳаммаси йиғилиб келди. Ҳақимхон: «Мен хотин олдим»,— деди. Отасига хат ёзди. Йигитлари хатни олиб бориб, Қўқон подшосига кўрсатди. Уъли: «Мен хотин олдим. Отам тўй кераклигини қилсин, келиб мени олиб кетсин»,— дебди.

Ҳақимхоннинг отасининг оти Файзиллаҳон экан. Файзиллаҳон ўглига бир хат ёзиб берди. (Йигитлар) хатни олиб келиб, Ҳақимхонга берди. Ҳақимхон хатни ўқияпти, Хуршидой ҳам ўқиб ётибди. Бу отасининг хатда айтган сўзи:

Ҳар ким ўз элида завқи, сафоси,
Кундан-кунга кўп бўлади жафоси,
Мени деса, шў¹ хотинни олмасин,
Даштда юрган қизнинг бўлмас вафоси.

«Айтмадимми?»— деди Хуршидой Ҳақимхонга қараб:

Бедов минган уйдан қирга чопинар,
Нур кўрганлар авлиёга топинар,

¹ Уша.

Даштда юрган қизнинг бўлмас вафоси,
Қўқон элдан яхши қизлар топилар.

Фарзандим эшитсин ўзимдан сўзни,
Соғинганман, тўрт қилдим икки кўзни,
Қўқон элда яхши хотин бежой кўп,
Мени деса, олмасин ёлғиз қизни.

Қулоқ солсин мендай подшо додига,
Болам келсин Қўқон мамлакатига,
Даштда юрган қизни олса, Ҳакимхон,
Жўралари бир бузуқни олган деб,
Дўсту душман таъна қилар бетига.

Хуршид: «Айтмадимми?»— деди. Ҳакимхоннинг димоғи куйиб кетди. Хуршидтойга қараб бир сўз айтди:

Сени кўрсам кетар юрагим чери,
Арилгай-да сенинг манглайини шўри,
Чўртта-пўртта олдим сенинг ўзингни
Қайтайини, отамнинг йўқдир даркори,

Сакта сўзни хўп айтибди ўзима,
Сендан ўзга кўринмайди кўзима,
Хайр десаинг, сени олганим бўлсин
Ота-эна даркор эмас ўзима.

Қишнинг куни кетмас тоғларнинг қори,
Кўп бўп кетди юрагимнинг рубори,
Хайр десаинг, сени олганим бўлсин
Ота-эна менга йўқдир даркори...

Эшитсин отамман энам ўйимни,
Хушвақт бўп қилмади менинг тўйимни,
Шу хотинни энди олганим олган,
Кўрсатмайман ота-энама бўйимни.

Майлисларда бўза, майни ичмайман,
Ев бўлмайин душманини санчмайман,
Отамман энамдан кечдим мен ўзим,
Пес бўлайин хотинимдан кечмайман...

Ота-энам ҳеч келмасин кейнимдан,
Айрилмайман энди бу хотинимдан.

Ҳақимхон аччиғи келгандан одамларга бу сўзларни айтди: «Баринг йўқол!»— деди. Одамлар кетди, бориб подшога айтди. Подшонинг ҳуши бошидан учиб кетди, айтган гапларига пушаймон қилди.

Ана энди номозшом бўлгандан кейин Ҳақимхон, хотинини отга миндириб олди, Қўқонга кетди. Борди-да бир уйга тушиб ёта берди. Отаси билан энаси пушаймон қилди, бу пушаймон фойда қилмади.

Орадан бир йил ўтди, хотини бир ўғил туғди, отини Аҳмадбек қўйди. Одамлар отасига бориб: «Келининг ўғил туғди»,— деди. Подшо кўп хушвақт бўлди. Орадан яна бир бир йил ўтди. Ана энди ҳалиги болакай эмаклабгина кетди. Хайғоз-хайғоз¹ туриб, йиқилибгина юради.

Бир куни Ҳақимхон пешини намозни ўқиб ётиб эди, болакай эмаклаб олдидаи ўтди. Ҳақимхон билагидан тутиб олиб қўйди. Намозни ўқиб қараса, хотинининг ҳар кўзидан етмиш тарам ёш тўкилиб, юзгиналарига ёқилиб, ёқалари ҳўл бўлиб, энгиз-тенгизи чиқиб йиғлаб ўтирибди. Буни кўриб, хотинига қараб, бир сўз айтаяпти:

Сени кўриб юрак-бағрим эзилди,
(Урушда отларнинг ёли сузилди),
Нимага йиғлайсан кўнглинг вайрон бўп,
Нимага вайрона кўнглинг бузилди?

Боғда пишган олма, анжир, нормиди,
Қаддингдан, юрагинда чермиди,
Сен йиғладинг, менда дармон қолмади
Қизим дерга ота-энанг бормиди?...

Сарғайибди сени кўриб сиёгим,
Кўп бўлди, қайтайин, юракда доғим,
Энанг билан отажонинг бормиди?
Сен нимага зор йиғлайсан севгилим?

Сулув қизлар бураб қўяр сочини,
Мард йигит душмандан олар ўчини,
Сен йиғладинг, менда дармон қолмади
Менга айтгин йиғлаганинг важини.

Ана энди хотин бир сўз деяпти:

Мендай ойим ювиб-ўрган сочини,
Париллаб учади чўлнинг лочини,

¹ Ғоз-ғоз.

Мен йиғламай, ким йиғласин, беквачча,
Йиғлаганим менинг сизинг учун¹.

Зулфигинамни ярашиққа силайман,
Қуйганимдан гапни гапга улайман,
Мени десанг, бошқа ўқи номозни
Йиғлаганим сизинг учун йиғлайман...

Шу номозинг бузилганга йиғладим,— деди. Ҳақимхон:
«Энди бунинг билан чини билан гаплашмасам бўлмади.
Бунинг отаси бор, энаси борга ўхшайди. Отаси, энаси бўл-
маса эди, бу бунча гапларни билмас эди. Бу бир эсли одам-
нинг боласи экан»,— деди. Ҳақимхон хотинига қараб, бир
сўз айтапти:

Нима дейди ўсган вилоятингни,
Айта бергин юрагингда дардингни,
Элу элас ўзингда бор ўхшайди,
Менга айтгин авлоди-аждодингни,

Юрагингдан кеткар қайғу-мотамни,
Обод қилгин энди яхши ватанин,
Сўйлагин эшитай рост тилингни,
Хабар бергин энанг билан отангни.

Бир тублига ўхшатувдим кўзингни,
Хонзодага ўхшатганман ўзингни,
Ростин айтгин қайси элдан бўласан?
Елғон айтма тўғри айтгин сўзингни.

Сабаб нима кўзингдан ёш тўккансан?
Ҳар саҳарлар қаддинг ёйдай буккансан,
Авлод-аждодингни айтгин қаддингдан,
Сабаб нима сен элингдан чиққансан?

Хафа бўлмай кўздан ёшни тўкмайди,
Тентак одам ҳеч кишига ёқмайди,
Отанг билан энангни айтгин, қаллигим,
Емонлардан асло бу гап чиқмайди.

Ростин айтгин ўзинг кимнинг қизисан,
Уругингни, зотингни айт, қаддингдан...

¹ Сизнинг учун.

Хотинига қасам берди. Энди Хуршидой: «Кел-е, бунга ростини айтйин»,— деб бир сўз айтаяпти:

Эшитгин, бегижон, менинг тилимни,
Боғлардан тераман тоза гулимни,
Авлод-аждодимни айтсам мен сенга
Самарқанд дейдилар ўсган элимни...

Эшит дейман хотинингнинг додни,
Кимга айтсин юрагида дардини,
Шайбони дер подшомизнинг отини,
Самарқанд дер хотинингни юртини.

Кўрмакка энамнинг икки кўзиман,
Ватанимнинг мен ҳам сарвинозиман,
Уруғимни сизга айтсам, беквачча,
Мен Хўжасавдогарнинг қизиман.

Хотининг ҳам париларча бор эди,
Фироқимда энам тутган мотамни.
Мен сенга наслимни айтсам, бегижон,
Хўжасавдогар дейди отамни...

Ҳакимхон ўйноқлаб далага чиқиб кетди, отасининг олди-га етди. Отаси айтди: «Ҳа, фарзанд, сизга хотиннинг қадри жуда ўтган экан, сизни биз билганимиз йўқ экан; икки йилдан бери келмай кетдингиз?» Ҳакимхон отасига бир сўз айтаяпти:

Боққа кириб олма, беҳи отайин,
Сўзима қулоқ сонг, вой отажоним,
Даштда юрган киянки деб айтувдинг
Мен хотиним авлодини айтйин.

Қаторга тиркаган лўкча-нор экан,
Қизларнинг ичида бир сардор экан,
Хотинимни айтй сизга, отажон,
Хотинимда ота-эна бор экан.

Гаплар чиқди хотинимнинг тилидан,
Мен қутулдим бу дунёнинг кишидан,
Кўрганнимни сизга айтй, отажон,
Хотинишам Самарқанднинг элидан.

Сўзни топдим хотинимнинг баҳридан,
Мен қутулдим ёмон гапнинг қаҳридан,
Хотинимнинг уруғини айтайин
Хотинггинам Самарқанднинг шаҳридан.

Кўп сўрадим юрагида чер экан,
Самарқандда айтганича бор экан,
Мен сизга айтайин энди наслини,
Хўжасавдогар отаси бор экан.

Ярқиллайди юлдуздай икки кўзи,
Ойдайин балқ урар гулдайин юзи,
Самарқандда бир уруғли эл экан,
Хотинггинам Хўжасавдогар қизи.
Қаллиқишам Самарқанднинг гул юзи,
Савдогарнинг эркагина азизи.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Очилибди Самарқандда лоласи.
Хотинимнинг авлодини сўрадим,
Аниққина савдогарнинг боласи.

Йиғлабди, кўзидан ёшин тўкибди,
Оқ баданга пўлат найза чекибди,
Бир кечаси уйқусида босириқиб,
Мажнунтоб бўп ватанидан чиқибди.

Қариндоши ранги гулдай сўлибди,
Энаси болам деб, бетин юлибди,
Мен сизга ростини айтсам, отажон,
Сабаб билан бунда келиб қолибди.

Кундуз кунни бир чуқурда ётибди,
Кечалар тинмайин йўллар тортибди,
Ун бир кеча, ўн бир кундуз йўл юриб,
Чинорнинг остига ёрим етибди.

Йиғлади, қайтайин, хуноба ютди,
Эсонлик бандага бир ғаниматди (р)...
Нега йиғлайсан деб мен ўзим айтдим,

«Ҳай аттанг!» — деб, кўплаб пушаймон этди.
Бирин-бирин авлоди-аждодини
Хотинггинам менинг ўзума айтди.
Эшитиб димогим чоғ бўлиб кетди.

Отаси айтди:—Фарзандим, хотиним йиғлаб ўтирибди. «Сенга бизлар қандай бўлсак, унинг ҳам ота-энаси ўзинг-дай»,— деди. «Мен хотинимни тўркиллатаман»,— деди. «Ота-энасиникига хат юбор, болам»,— деди отаси. Қарнай-сурнай шодиёна уриб, бошқатдан тўй қилди.

Тўй соб бўлди, ҳамма тарқаб кетди. Ун бир арава тўн ортди, ўн бир арава бара-шара ортди, сон сулув қизлардан ўн битга кайвони қўшиб, аравани гиламга яшнатиб, неча шону шавкат билан аравага миндириб, Чинихон деган вазирга қараб, Ҳакимхон бир сўз айтапти:

Ишшоолло, муродингга сен етгин,
Ҳар кечаси ухламайин сен ётгин,
Бохабар бўлиб хотин-қизлардан
Эсон-омон Самарқанддан ошкелгин...

Сўна учар чалқиб ётган кўлидан,
Кутулгаймиз душманларнинг хилидан,
Чўлларда чекарсан ўзинг риёзат,
Эсон-омон кел Самарқанд элидан...

Эшитгин, Чинихон, айтган сўзимни,
Ғам сарғайтар келганингча юзимни,
Эсон-омон кел Самарқанд элидан...
Шу сафарда ҳақлаб келгин тузимни.

От чопганда юракларим жўш урдим,
Шу вақтгача ақилимни шоширдим,
Эсон-омон келг Самарқанд элидан...
Боринглар, бариингни ҳаққа топширдим.

Булбуллар ғазал қип боғнинг гулига,
Кийиклар ўйнайди сувсиз чўлида,
Ясавул, шигавул, неча, бекларман .
Ой Хуршид жўнаб Самарқанд элига.

Вазирлар минибди кўп яхши отди,
Белига қилични маҳкам қип тортди,
От ўйнатиб, сувлиқларни чайнатиб,
Самарқанд шаҳрига ой Хуршид кетди.

Аравани чўлларда гилдиратди,
Эсонлик бандага бир ғаниматди (р),
Уйнаб-кулиб, ҳушвақт бўлиб ҳаммаси
Ҳам кеча, ҳам кундуз тинмай йўл тортди...

Ҳеч ким йўлиқмасин ёмон қасдига,
Мард йигит боради, душман қасдига,
Юра-юра гоҳ кўниб, гоҳ тушиб,
Яна келди Саричашманинг устига.

Ана энди чодир-чаманини тикиб, отларининг қозирин қоқиб, ошпазлар ошиви пишириб, қоринни тўқлашиб, димоғни чоғлашиб ётди. Хуршидойнинг чодиридан чироқ ўчди. Кун ярим кеча бўлди. Ҳалиги вазир Чинихон аста бориб, чодирдан қаради. Хуршидой Аҳмадбек деган ўғилчасини қучоқлабгина ойдаи тинжираб ухлаб ётибди. Шуъласи чодирни ёп-ёруғ қилиб ётир. Буни кўриб вазирни шайтон озғирди. Аста эмаклаб Хуршиднинг ёпбошига борди, биллагига тармашди: «Менга бир муччи берасан», — деди. Хуршидой Чинихон вазирга қараб бир сўз айтаяпти:

Ғам сарғайтсин, вазиржоним юзингни,
Қайтибгина айтдинг менга сўзингни,
Бир худонинг ғазабидан қўрқмадинг
Ҳакимхоннинг тузи тутсин кўзингни.

Мени кўрсанг, сен уялиб биқмадинг,
Салом бериб қаддиларинг букмадинг,
Бекваччангининг тузи тутсин кўзингни,
Бир худонинг ғазабидан қўрқмадинг.

Ўзинг келиб сен вақтингни хушладинг,
Бошинг чайқаб, чиначоғинг тишладинг,
Шотўрамдан уялмайин, беинсоф,
Қалланг чайқаб, биллагимдан ушладинг.

Қўқон элга бир кунлари борасан,
Сен тўрамнинг хизматида турасан,
Уялмайин биллагимдан ушладинг,
Ҳакимхонга не деб жавоб берасан?

Кўзимдан тўқилди менинг қонли ёш,
Вақтингни қилибсан бунда ўзинг хуш,
Бекваччамни шарм-уят қилмайин,
Биллагимдан сен ушладинг, э бебош,
Илоё оғзингга тупроқ билан тош!

Энди вазирнинг айтаётган сўзи:

Ҳай десам кетади, юрагим чери,
Селдирар қизларнинг таққан тумори,

Бир муччини менга берсанг бўлади,
Вазирга худонинг йўқдир даркори.

Қор ёққанда тоғни туман чалади,
Ойдаи юзинг хаёлимни олади,
Имоннинг, исломнинг йўқдир даркори,
Айтганимни ўзинг қилсанг бўлади.

Койншларим бўлди менинг зиёда,
Сенинг учун войим тортдим дунёда,
Қараб қўйгани менинг келбатларима,
Ҳакимхондан менинг ўзим зиёда;
Худонинг, имоннинг йўқдир даркори,
Менинг билан ўйнаб-кулгани дунёда.

Сени кўриб кўп тортаман оху вой,
Урушли кун тортилади нуқра вай,
Имоннинг, исломнинг йўқдир даркори,
Бир муччини дарров бергин, Хуршидой.

Арвоҳ урди шу вазирнинг ўзини,
Термулти Хуршидойга кўзини,
Шунча гаплар қулоғига кирмади,
Маҳкам ушлаб Хуршидойнинг ўзини.

Хуршидой айтадиган гапини айтиб қўйди, вазир ҳам айтадиган гапини айтиб қўйди. Хуршид билди, шу вазир энди қўймайди. Хуршид аллади: «Шошмай тур, мен бир далага чиқиб келай»,—деди.

Хуршидой энди шарманда қиладиган бўлгандан кейин вазирдан қочди. Тўқайга — қамишнинг ичига кирди, далага чиқмади. Вазир бир фасл, икки фасл қаради. Қандай қиларини билмай, Хуршиднинг ўғлининг калласини чўртта кесиб олди. Шовқини солиб: «Ол кетди, ол кетди!»—деди. Ҳамма уйғонди. «Хуршидойнинг ўйнаши бор экан. Ана ўғлини ўлдириб, опқочиб кетди»,—деб халққа сўйлади. Дунёда бундан ортиқ зулм борми?!

Ҳаммаси Қўқон қараб кетди. Хуршид давр-даврондан айрилиб борса, болагинаси қизия қонга буланиб-гина каллагинаси бир жойда, танагинаси бир жойда ётибди.

Томоша айланг ой Хуршиднинг ишига,
Чўл титради чинқирган нолишига,

Вой болам деб, қулоч отиб Хуршидой
Ўликни айқалаб босди тўшига.

Ғам сарғайтди бечоранинг юзини,
Қимга айтсин тўқайзорда сўзини,

Вой болам деб, қулондаини чинқирди,
Искалаб юзига қўйиб юзини.
Қўлга олиб вой болам деб, искайди,
Қучоқлаб оп улғинасин¹ ўзини.

Тақдир қурсин деб, манглайга уради,
Вой болам деб, чўлларда чинқиради,
Чўллар симобдай ларзага киради.

Ағдариллиб учар чўлнинг лочини,
Подшолар элидан олар божини.
Вой болам деб, булбулдаини фиғон қиз,
Ой Хуршид ёзибди қора сочини.

Қимга айтар бир ўлимнинг дардини,
Ўлим бузар марднинг иморатини,
Во болам деб, сочин ёйиб ой Хуршид,
Вой, вой, бемаҳал ўлган улим деб.

Улғинасин бетгинасин силайди,
Қуйганидан гапни сапга улайди,
Во болам деб, ўпкасини босолмай,
Сочин ёйиб бетин сўйиб йилайди.

Бемаҳалда сўнган боғда гулим деб,
Сўйлайди, оғзимда қизил тилим деб,
Қучоқлаб оп боласини ой Хуршид:
Вой, вой, бемаҳал ўлган улим деб.

Вой болам деб, бечора дод айлади,
Гоҳи йиғлаб, гоҳи фарёд айлади,
Қалласиман танасини бир қилиб
Вой болам деб, чўлда фарёд айлади.

Ёмғирдайини кўзларидан ёш қуйди,
Хафалиги қурсини, қаддини ийди,
Қўли билан ерни ковлаб Хуршидой
Улғинасин тупроқ ичига қўйди.

¹ Уғилгинасин.

Тўда қип тупроқни устига уйди,
Бир оқ тошни оп кеп бошига қўйди.

Ана энди Хуршидой энадан бино бўлганига пушаймон қилиб: «Тунови эшон тухмати билан элимдан кечиб кетиб эдим, ана бугун эримнинг вазири билагимдан ушлаб, ўғлимни ўлдириб, қиёмат савдони бошимга солиб кетди»,— деб куйганидан бир сўз айтяпти:

Жазом қурсин, қаттиқ экан манглайим,
Тоғдан оғирмиди қилган гуноҳим, вой-вой,
Вой-вой-а, улғинамдан айрилдим,
Амонатинг олгин қодир худойим.

Дод дастингдан фалак, вой-вой,
Бедод дастингдан фалак.

Ота-энам шу палла бўлса эди,
Ҳолим кўриб, қизгинам деса эди,
Энажоним олдимда бўлса эди,
Бу ғамимга шерик бўп турса эди.

Дод дастингдан фалак,
Ношод дастингдан фалак.

Қариндошдан, уруғдошдан бўлмаса,
Буйтибгина юрганимни курмаса,
Ҳеч бир одам бу гапларни билмаса,
Отажоним мендан хабар олмаса,
Вой-вой дастингдан фалак,
Фарёд дастингдан фалак.

Бу дунёга ўзим келмагай эдим,
Мунча войимларни кўрмагай эдим,
Энадан бино бўлмасам бўймиди,
Мунча жарб-аламни кўрмай¹ эдим,
Дод дастингдан фалак,
Бедод дастингдан фалак.

Савдо кўрдим энди бахти қораман,
На жойларга, қайси элга бораман.
Ҳам Самарқанд, ҳам Қўқоннинг элига

¹ Қўрмас.

Икковига ўзим бахти қораман.
Не бетимман ер юзида юраман.

Дод дастингдан фалак,
Бедод дастингдан фалак.

Ғам сарғайтди Ойхуршиднинг юзини,
Ҳақдан ўзга кимга айтени сўзини.
Ўпкасини босолмай бўзлаб йиғлайди,
Ўғлин мозорига бошини қўйди,
Йиғлай-йиғлай уйқн олди кўзини...

Хуршид бечора, уйқидан кўзини очди, кун ёйилиб қолибди. Олдида ҳеч ким йўқ. Энди йўл юриб кетди. Чўпонотанинг тоғига борди. Бир тўласи бор экан, шу тўлага кириб ётди.

Бир чўпон қўйини ёйиб келди. Оёғини жардан шалвиратиб «вовалло» деб ашула айтиб, ҳай деб най тортди. Жар қулаб кетди. Ҳай деб ерга тушди. Шундай қараса тўланинг ичида бир қиз турибди. Чўпон қизга қараб оғзи анграйиб қолди, бурни танграйиб қолди, қизга қараб шанграйиб қолди. Чўпони қурғур қизга тармаша кетди. Ана «Шўрлига шўрва йўқ, сатта гўшт билан палов» дегандай Хуршидой бечоранинг ўз куйгани ўзига озмиди? Чўпон Хуршидга қараб бир сўз айтаяпти:

Бўйинингга буралиб қўлни соламан,
Ўтин-чўпчагингни ўзим қиламан,
Ростин айтсам тега қолгин ўзима,
Бир эчким бор биғирлатиб сўяман.

Яхшигина кўрдим сенинг бўйингни,
Оқшом кўрсам гул сасиган қўйингни,
Бир эчким бор, тўйлар қилиб, қаддингдан,
Узалишиб кўрай қадди бўйингни.

Орқамга мин, мен кўтариб кетайин,
Ўлгунча сен билан ватан кутайин,
Бизи билан билла юргин жур уйга.

Ана энди Хуршидой чўпонга қараб бир сўз айтаяпти:

Вой-вой
Сабил бўлди манинг бу ўсган жойим,
Сенга тегсам қаттиқ экан манглайим,

Дуруст тўрали қип олгин ўзимни,
Эр бўлмаини ўла қолгин илайим...

Хотин оламан деб, уйингга кетгин,
Қариндошга бориб талтайиб айтгин,
Эр бўлдим деб, талтаймагин шарманда,
Мени олмай ернинг остида ётгин.

Чўпон: «Тегмайсанми?»— деди. Хуршиднинг томоғидан бўғиб олди. Хуршид айтди. «Бу ўзи гапга тушунмайдиган бир одам. Ёмондан қоч-да қутул, ё тон-да қутул» «Мени олсанг шундай қилиб томоғимдан бўғиб оласанми?»— деди. Чўпон: «Мен сенинг сахнинг ёққанидан ҳазиллашиб эдим»,— деди. Хуршидой айтди: «Менга чопонингни ечиб бергин, сен келгунча тўшаб ўтираман. Уйингга бориб мен хотин олдим деб хабар бериб, талтайиб, бир мол олиб келиб мени миндириб кет».

Чўпон чопонини ечиб берди. Энди уйига қараб зўр берди. Хуршидой бир хабаш, бесўнақай одам бўлиб Самарқандга кетиб қолди. Чўпон уйига бориб эчкисини сўйиб, тура қайтди. Келса Хуршид йўқ: «Мен хотин олдим десам, бир ажииа кўрган эканман. Тош пичоғим бор»,— деди. Суфкуф деб ўзига дам солди.

Хуршидой Самарқандга келди, ўзини мардикорга солди. Ҳеч ким олмади. Пайдарпай бир ҳафта ўтди. Энди жуда очдан ўлай деди. Самарқанднинг катталари: «Буни Хўжасавдогарга олиб бориб ташлайик»,— деди. Энди буни Хўжасавдогарга олиб борди. Ҳалиги каттакон: «Шу бечорани ҳеч ким мардикорга олмайди, энди сиз шуни боқинг»,— деди. «Хайр»,— деди Хўжасавдогар,— бу бир ҳабаш одам экан, бундан бола-чақани ҳам қочирмаймиз»— деб, Хуршидни ичкарига олиб кирди. Ана бу хизмат қилиб юра берсин, энди гапини Қўқондан эшитмоқ даркор.

Ҳалиги вазирлар дод-фарёд деб Қўқон подшосига, Ҳақимхонга бориб, Чинихон бир сўз айтяпти:

Худонинг ишини энди нетайин,
Қону зардоб юрган чўлда ютайин.
Сўзима қулоқ сонг энди Ҳақимхон,
Хотинингнинг ишларини айтайин.

Кўплар юрдим Қўқон элнинг дашига,
Мен кўнганман оллойимнинг ишига,
Кўрганганимни бир-бир айтмай мен сизга,

Ун бир кеча, ўн бир кундуз йўл юриб,
Бориб тушдим Саричашманинг дашига.

Йигламай қайтайин кулфатим ортди,
Синиб қолди сендай улнинг қаноти,
Аҳматхон ўғлининг бошини кесиб,
Хотинингни бир одам олиб кетди.

Ол кетди деб вазир кўзин ёшлади,
Минган оти қулундайин кишнади,
Ўз кўзимман кўрдим ол кетди дедим,
Ёлғиз улғинангни чопиб ташлади.

Очилганда гулгинангни сўлдирди,
Ҳай атташ-а паймонани тўлдирди.
Хотинингнинг бир ўйнаши бор экан,
Ёлғиз улғинангни чопиб ўлдирди.

Тағи фарзанд кўрарсан деб кўп айтди,
Бор эканда хотингни улфати,
Ёлғиз улғинангнинг бошини кесиб,
Ўйнаши ўзини миндириб кетди.
Самарқандга боролмадик баримиз,
Йиғлай-йиғлай борган шунча одамлар
Хафа бўлиб Саричашмадан қайтди.

Юрганимиз неча сувсиз чўл бўлди,
Шамолга чалқиган ойдин кўл бўлди,
Хотинингни биров ол қочиб кетди,
Кўрган-боққанамиз энди шул бўлди.
Яқин қолиб эди Самарқанд юрти,

Тинка-дармонларим вой қувраб кетди,
Мен сенга ростини айтсам, пошшойим,
Хотинингни ўйнаши олиб кетди.
Олиб кетса майлигайди, пошшойим,
Ёлғиз улғинангни ўлдириб кетди.
Ёмон ўлсин, яхши қолсин, пошшойим.

Ана энди Ҳакимхонга қараб отаси бир сўз айтаяпти:

Билганингдан, ёлғиз болам, қолмадинг,
Айтган насиҳатим бошда олмадинг,
Кўл бўлади шундай қизнинг жафоси,
Қаникайин унинг чиққан вафоси?

Сен қулоқ солмадинг айтган тилларга,
Ўрдак кеп ташлайди ойдин кўлларга,
У қизнинг бир балоси бўлмаса,
Сандираб юарми сувсиз чўлларга.

Қаникайин хотинингнинг вафоси?
Кўп бўл кетди унинг жабру жафоси.

Ҳай аттанг-а душман тушди кетима,
Қулоқ солгин меннинг айтган додима,
Айтган ергинамдан чиқди, фарзандим,
Ул-ўлгунча иснод бўлди бетима.

Ишонмадинг, маҳмадана, сўзима,
Еруғ дунё ғуборланди кўзима,
Айтганимни сен бошдан олганингда...
Ул-ўлгунча таъна бўлди юзима.

Шуйтибгина бармоғини тишлаган,
Бошин чайқаб икки кўзин ёшлаган,
Биров билан ўйнаб-кулиб юрган сўнг,
Ота-энаси опкеп бунда ташлаган.

Шармандалар бўлдим Қўқон юртимга,
Сен қулоқ солмадинг айтган додима,
Дод-фарёд мардумчалик қурисин,
Ул-ўлгунча таъна бўлди бетима,
Қандай юрар энди Қўқон юртимга?
Хон Ҳакимхон билганидан қолмади,
Отасининг насиҳатин олмади,
Қўқон элга асло дарак солмади.

Томоша айланг Ҳакимхоннинг додини,
Кимга айтар хотинининг ҳасратини,
Бизни деганинг отланавер деди-да,
Ҳакимхон эгарлаб минди отини.

Фалак бузар марднинг иморатини,
Ўз-ўзига қараган яхшилари,
Эгарлашиб олди яхши отини.

Тала-тўплар солиб Қўқон элига,
Чидай олмай яхши хотин хилига,
Дод-фарёд деб Ҳакимхон йиғлайди,
Ҳам ўғлидан, ҳам хотиндан айрилиб,
Йиғлаб минди отинасин белига.

Тез юринглар деди, қистаб сўйлади,
Қалқонини елкасидан тўнтариб,
Гударидан боғни белга бойлади,
Куйиб кетиб хотини ҳасратига,
Чиқиб Самарқандга талаб айлади.

Йўлиқдилар ифвогарнинг қаҳрига,
Чидай олмай бу гапларнинг заҳрига,
Упкасин босолмай бўзлаб йнғлайди,
Талаб қилди Самарқанднинг шаҳрига.

Йигит куяр ишқивозин хилига,
Йигирмача минди отнинг белига,
Ҳакимхон оҳ тортиб бўзлаб йнғлайди,
Талаб қилди Самарқанднинг элига.

Ҳакимхон ҳеч гапни бовар қилмади, Хўжасавдогарни-
кига кириб келди. Хўжасавдогар қараса бир подшозодага
ўхшайди. Отни ушлаб бойлади. Тиллакори меҳмонхонага
киргизиб, остига кўрпачадан ташлаб, ҳар қайсисининг ён-
бошига пар ёстиқни қўйиб, овмин овлақбар қилди.

«Хуш кўрдик меҳмонлар»,— деди. Далага чиқиб, мас-
лаҳат қилди «Булар катта одамга ўхшайди»,— деди.

Хуршид эри келганини билди. Бу хизмат қилиб юрибди,
ҳеч ким танимади, отаси ҳам энаси ҳам. Хўжасавдогар:
«Шайбонихон подшони айтиб келинглари, шайхи Бастон
эшонни айтиб келинглари»,— деди. Подшоникига ҳам одам
юборди, эшонникига ҳам одам юборди. «Бир юртдан под-
шо келди, шу билан гаплашиб ўтирсин»,— деди. Одами бо-
риб Шайбонихон подшога айтди: «Хўжасавдогарни-
кига бир подшо келибди, сизни, келсин, шу подшо билан гапла-
шиб ўтирсин деярли»,— деди. Шайбонихон Тўрабой, Эр-
манбой, Нурлибой вазирлари билан шотирлар отини тор-
тиб-етақлашиб Хўжасавдогарни-кига келди. Савдогар иш-
қивозлик билан подшонинг отини ушлаб бойлади. Подшо
меҳмонхонага кирди. Ҳакимхон жойидан туриб одоб билан
Шайбонихон билан кўришди.

Шайбонихон билди, бу бир подшо экан. Шайхи Бастон
қирқта халфаси билан келди. Хўжасавдогар эшоннинг ҳам
отини ушлаб бойлади. Шайхи Бастон эшон ҳам кириб кў-
ришди. Ҳамманинг пири эди. Бари шайхи Бастонни тўрға
ўткарди. Самарқандда бир ман деган катта одамнинг ба-
рин айтиб келди. Ҳамма катта-катта Хўжасавдогарни-
кига жам бўлди. Хўжасавдогар қилди зиёфатни. Ҳамманинг
димоғи чоғ бўлди.

Хўжасавдогар кўп сахий эди, ҳалиги чўпон бечора
Хуршидни оламан деб, тўлада чопонни бермабмиди,
ялонғоч бўлиб қолувди. Хўжасавдогардан бир чопон тилаб
олиб келаман деб шу ҳангомага кириб келди.

Шайхи Бастон айтди: «Ҳай аттанг, ҳамма нарсамиз соз
бўлди, бир шоир кам бўлди».

Хуршид айтди: «Шоирликни мен биламан».

Шайхи Бастон: «Шоирликни билсанг, ана у ерда ўтир
сенинг ўрнингга биров хизмат қилар», — деди.

Шунда подшони кўрамиз деб Хўжасавдогарнинг хоти-
ни, яна юзча хотин эшикдан томоша қилиб ўтирибди.

Ана энди Хуршидой бир сўз айтаяпти:

Самарқанд шаҳрини обод этайин,

Сўзима қулоқ сонг, турган халойиқ,
Аввал бошлаб ой Хуршиддан айтайин.

Хўжасавдогарнинг бағри эзилиб кетди.

Оҳ тортаман юраккинам чер экан,
Самарқанд шаҳридан пичи айтайин
Самарқандда Хуршидойим бор экан.
Шайбониҳон оша юртдан келибди,
Самарқандга келиб подшо бўлибди,
Ипакнинг қадри унга ўтибди,
Одамларни Шайбониҳон йигибди,
Кўп тиллани ўрталиққа уйибди,
Қаторга тиркалган лўкча-пор дебди,
Чин-Мочнида ипак деган бор дебди.
Хўжасавдогар жонин сотибди,
Қизини яшириб Шайбониҳондан,
Шайхи Бастон деган эшон бор экан,
Елғиз қизни шайхи Бастон эшонга
Омонат деб топширибди, кетибди.

Эшон айтди: «Дам тур, падар лаънат, чиқ кет далага!»

Ҳакимхон жойидан бир қўзғалди-да, куйиб кетди.

Хўжасавдогар эшонга: «Дам туринг, эшоним», — деди.
Хуршидойин олдига чақириб олди, «Айта бер», — деди.

Олтин пиёлага майлар қуйибди,
Хуршидойнинг отасиман энаси
Хўп эшон деб, олиб бориб Хуршидни.
Елғиз қизин ватанига қўйибди.

Сен итсанми, кучуксанми демабди,
 Орадан икки йил ўтиб кетибди,
 Хуршидойдан бирор хабар олмабди,
 Хуршидой очликдан йиглаб ётибди.
 Тонг қоронгси¹ шайхи Бастон эшонга
 Бир офтоба сувни Хуршид берибди,
 Шу дўзахи Хуршидойни кўрибди,
 Ой Хуршиднинг икки кўзини ёшлабди,
 Билагидан маҳкам бўғиб ушлабди.
 Қошинг кериб, қобоғингни уй дебди,
 Баданингга гулдор кўйлак кий дебди,
 Шу имони куйган шу катта эшон
 Ой Хуршидга ўзгинамга тий² дебди.

Энди эшон қочмоқчи бўлди. Подшо ҳар эшикнинг олди-
 га бир одам қўйди. «Чиққанни сўйиб ташла»,— деди.
 Ҳамма қўрққанидан жой-жойида ўтира берди, Хуршидой
 айтаяпти:

Хуршид бебахт кўп эланиб турибди.
 Чини билан тармашган сўнг шу эшон,
 Офтобадан манглайига урибди,
 Манглайини уриб туриб ёрибди.
 Шайхи Бастон ширин жонни сотибди.
 Савдогар олдига чиқиб кетибди,
 Бориб туриб хўп сўрашиб шу эшон
 Хуршидгинанг бузуқлик қип юрди деб,
 Хўжасавдогарга шуни айтибди.
 Савдогар қарабди эшон кўзига,
 Ишонибди беимоннинг сўзига.

Бу беимоннинг гапига савдогар ишониб, бадани та-
 лақдай чуйкаб кетибди. «Қапдай қилай, бу биров бил-
 майдиган гап-да»,— деб Қосимхонга қараб, фарзанд қан-
 дай нарса, кўзидан жим-жим ёши тўкилиб бир сўз айта
 берди:

Астагина Хуршид кўзини ўйгин,
 Китобларин битта токчага жийгин³,
 Айтадиган гапим шудир, Қосимхон,

¹ Қоронгиси.

² Тег.

³ Ялагин.

Саричашмага бориб Хуршидни сўйгин,
Вой укам деб, бармоқларин тишлагин,
Қуръон ўқиб арвоҳларин хушлагин,
Мен ишондим авлиёнинг сўзига,
Саричашмага бориб сўйиб ташлагин.

Савдогар боргин деб, унга айтибди,
Қосимхон хафа бўп уйга етибди,
Хуршидойни уйдан чақириб олиб,
Отанг касал, тез юргин деб айтибди.
Алдаб олиб Саричашмага етибди,
Синглисини кўзи қиймай акаси
Саричашмага тирик ташлаб қайтибди.
Ҳам отадан, ҳам энадан айрилиб,
Хуршидой тақ ўн бир кун йўл тортибди.
Ўн бир кунда бир чинорга етибди,
Бир шунқор бошига келиб қўнибди.
Қўқоннинг подшосин ёлғиз фарзанди,
Хуршид билан кўп гаплашиб Ҳакимхон
Хотин қип Қўқонга олиб кетибди.

Ҳакимхоннинг вазири: «Дам тур, жинни, эшак!»— деди.

Ҳакимхон қиличини қўлга олиб, вазирга: «Дам тур!»— деди. «Айта бер»,— деди Хуршидга.

Ҳакимхонмон Хуршид даврон сурибди,
Бир йилдан кай Хуршид улли бўлибди,
Бир кунлари менинг отам бор дебди.
Хон Ҳакимхон қизу маҳрамлар бериб,
Самарқандга Хуршидни тўркиллатибди.
Ўн бир кунда Саричашмага келиб,
Саричашмада қўш ташлашиб ётибди.
Тун оққанда Хуршид ухлаб қолибди,
Тус ҳароми Чини вазир билибди,
Астагина бўйтибгина эмаклаб,
Ой Хуршиднинг ёнбошига келибди.
Хуршидойим уйқусидан уйғониб,
Ҳакимхонни ўрталikka солибди.
Ҳарчанд айтган билан қулоқ солмабди,
Тармашиб оп билганидан қолмабди.
Хуршид туриб қочиб чиқиб кетибди.
Бориб туриб тўқайзорга кирибди.
Худодан қўрқмайин подшо вазири
Улғинасин чопиб ташлаб, ўлдириб,

Хуршидойни ўйнаши оп кетди деб,
 Тухмат қилиб Қўқон элга кетибди.
 Аҳмадбек ғариб бўп чўлда ётибди.
 Хуршид келиб бир тўлага кирибди,
 Бир чўпон кеп вовалло қип турибди,
 Хуршидни тўлада чўпон кўрибди,
 Шу чўпон Хуршидга тег деб айтибди.
 Хайр эса тегаман мен сенга деб,
 Яп-яланғоч қилиб чопонин олиб,
 Савдогарга келиб хизматлар қилиб,
 Ой Хуршид шу ерда ҳамма кўрганин —
 Ҳаммасини қўшиқ қилиб айтибди.
 Мард йигит душмандан олар ўчини!
 Хуршидой белига солди сочини.
 Энаси болам деб, кўзин ёшлади,
 Эшикдан келгани тоқати бўлмай,
 Болам деб, баланддан отиб ташлади.
 Ҳар ким дўсти учун тортар койишни,
 Шунча насваларни¹ териб ейишиб,
 Ҳам отаси, энасиман топишди.

Ана шу ерда Шайбонихон ҳукм қилди: «Бундай эшон-
 ни, дўзахини, тошбўронга тутиб ўлдинлар! Ҳар кимга
 бизнинг сўзимиз қабул бўлса, қиёматгача шу эшоннинг
 мозорига тош отиб ўтсин».

Ана одамлар икки қўлини, икки оёғини бойлаб, яп-
 яланғоч қилиб, кўчада шопил судрагандай судраб кетди.
 Чўпонотанинг тоғига чиқариб, одам битган тошбўронга тут-
 ди. Эшон тошнинг остида қолди. Ана шундан бери ўт-
 ган одам тош отиб ўтмоқ Шайбонихондан мерос қолди.
 Ҳозир ҳам билган одам ўтса, тош отиб ўтади.

Ҳақимхон вазирни ҳам ўлдирди, чўпонни катта одам
 қилди. «Эккан олар, қилган топар». Ҳақимхон қирқ кун
 тўй қилди. Ҳамма кек юрагидан кетди. Ҳақимхон Хуршид-
 ни узатиб Қўқонга етди.

¹ Насибаларни.